

ХУДУДЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ БУТУН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10 февраль куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Сурхондарё вилояти иқтисодий салоҳияти, табиий бойликлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида ана шу салоҳият ва имкониятларни халқимиз манфаатлари йўлида ишлатиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Вилоят иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Бунинг тасдиғини 2016 йилда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоиз ўсгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тупаланг гидроэлектростанцияси, Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш заводи, "Шарғун кўмир", "Хўжайкон туз" акциядорлик жамиятлари, "Хонжизза" конбойитиш мажмуаси каби йирик корхоналар вилоят санаятида етакчи ўрин тутмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Мазкур соҳанинг янги ҳудудий маҳсулотдаги улуғлиги 75,3 фоизни ташкил этмоқда. Меҳнат билан банд аҳолининг 80 фоиздан зиёди айна шу соҳада иш юритмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарёда ташрифи давомида ўзининг сайловолди дастурда вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши бўйича белгиланган режалар ижроси, шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Дастлаб давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги "Gold Agro Fresh" агрофирмаси фаолияти билан танишди.

Халқимиз фаровонлиги, юртимиз бозорларининг қийин-ёқин тўқинлигига Сурхондарё фермер ва деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиздаги экин майдонларининг 7 фоизи мазкур вилоятта тўғри келади. Воҳа деҳқонлари юртимизда етиштирилган пахта ва галланнинг 8-9 фоизини, мева ва сабзавотнинг 11 фоиздан зиёдини етказиб бермоқда.

Кейинги йилларда пахта майдонлари қисқартирилиб, қишлоқ хўжалиги таркибий ўзгаришларга эришилди. Воҳа деҳқонлари етиштириш ва уларни экспорт қилишга ихтисослашган истиқболли лойиҳалардан биридир. Қиймати 35 миллион АҚШ доллари бўлган корхонанинг замонавий иссиқхоналарида йилига 30 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, шунингдек, 1000 иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозир 20 гектарлик 15 блокда помидор, гулқарам, брокколи, руккола ва ялланининг харидоригар навлари ўстирилмоқда. 70 блокнинг барчаси ишга тушгач, иссиқхоналарнинг умумий майдони 100 гектардан ошади. Бундан ташқари, 434 гектар ерда мавсумий экинлар экилиб, 23 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 2 минг 100 кишини иш билан таъминлаш, келгусида 100 гектар ерда интенсив боғ яратиш режалаштирилган.

Президентимиз бу ерда етиштирилган маҳсулотлар турини кенгайтириш, 5 минг гектарда анор, 5 минг гектарда лимон етиштиришни йўлга қўйиш, одамларнинг даромадини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида мева-сабзавот етиштириш, паррандачилик, чорвачилик каби тармоқлардаги истиқболли лойиҳалар билан ҳам танишди.

Анор туманида қурилаётган мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Angor Gold Fruits" масъулияти чекланган жамияти лойиҳасига мувофиқ 530 гектар интенсив боғ, уч минг тонна мева-сабзавотни сақлаш имкониятига эга музхона қурилиши кўзда тутилмоқда.

Жарқўрғон туманида қурилиши режалаштирилаётган "Фабулло строй сервис" масъулияти чекланган жамияти ҳам мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида 150 иш ўрни яратилади. Замонавий иссиқхонада 600 тонна мева-сабзавот ва поллиз маҳсулотлари етиштирилади ва экспорт қилинади. Сигими 2 минг тонна бўлган замонавий музлаткичда йил давомида 6 минг тонна маҳсулот айланади. Мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш ускунасининг қуввати йилига 8 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, мева-сабзавотларнинг ноанъанавий турларини кўпроқ экиш ва қайта ишлаш, экспортни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Қизириқ туманида икки минг бош қорамол боқишга мўлжалланган замонавий чорва комплекси барпо этилмоқда. 762 гектар майдонда қурилаётган ва қиймати 11,5 миллиард сўм бўлган ушбу мажмуада йилига тўрт минг тонна сўт, икки юз тонна гўшт етиштирилади. 2,5 миллиард сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган корхонада юздан ортиқ киши меҳнат қилади.

Президентимиз чорвачилик комплекслари билан биргаликда агрофирмалар ташкил этиб, сўт ва гўштни қайта ишлаш, рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлаб, экспортга йўналтириш зарурлигини таъкидлади.

Музработ туманида паррандачилик комплекси ташкил этилмоқда. Лойиҳа қиймати 5,5 миллион доллар бўлган мазкур мажмуада йилига 59,1 миллион дона тухум, 1,4 миллион жўжа ва 198 тонна товуқ гўшти етиштириш, 100 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Сентябрь ойда ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу комплексининг умумий майдони 15 гектар бўлиб, унинг 2,5 гектариде ишлаб чиқариш бинолари жойлашади.

Мажмуа раҳбарлари билан учрашувда одамларга жўжа ва ем етказиб бериб, оилалар фаровонлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев "Шеробод пахта тозалаш" акциядорлик жамиятида ингичка толали пахта қайта ишлаш корхонаси, зараркунандаларга қарши курашишга қаратилган ишланмалар, лимон ва pista етиштиришга ихтисослашган плантациялар лойиҳаларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Ҳакимат-Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Бу ерда олиб борилган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Президентимиз Термиз туманида ташкил этилаётган баликчилик хўжалиги фаолият юритмоқда. Энди улар сафига «Термиз агро фид» акциядорлик агрофирмаси ҳам қўшилиши мумкин. Бу ерда баликчилик ишлари билан бирга, баликчилик хўжалиги фаолият юритмоқда.

Сурхондарё вилояти ипакчилик соҳасида катта тажрибага эга. 2016 йили 3 минг 394 фермер хўжалиги томонидан қарийб 1 минг 553 тонна пилла етиштирилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа билан танишар экан, Сурхон воҳаси маҳсулдор ипак курти парвартириш учун қулай табиий иқлим шароитига эга эканини таъкидлади.

Янги корхона мамлакатимиз энгил санаяти сифатли хомаш бўлиб таъминлаш, воҳа аҳолиси учун янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига сафари давомида Ангор туманидаги Занг гилам-бобо қишлоғида Шоди бобо Хўшбоқов хонадонига бўлди. Шавкат Мирзиёев Шоди бобо ва у кишининг умир йўлдоши Саломат момо билан оиланинг кундалик ҳаёти, фарзандлар касб-кори ва набаралар тарбияси тўғрисида суҳбатлашди.

Сизлар каби кўпни кўрган, юздан нур ёғилиб турган ота-онани ва онахонлар жамиятимизнинг мустақам замани, юртимизнинг файзу баракасидир, деди Президентимиз.

Ердан унумли фойдаланиш, Сурхондарё вилоятидаги фойдаланиш, ҳаракат қилган одам ўзини ҳам, халқини ҳам бой қилиши таъкидланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Хонадон эгалари давлатимиз раҳбари халқ ичига кириб, одамларнинг фикрини ўрнатишдан юртдошларимиз жуда мамнун бўлаётганини таъкидлади. Одамлар оғирини энгил қилиш, турмушини янада фаровон этиш борасидаги улкан, тизимли ишлари учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Шеробод туманидаги "Гуржак-1" массивида янгилашган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар, бу ерда аҳоли учун яратилган шароит билан танишди.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа билан танишар экан, Сурхон воҳаси маҳсулдор ипак курти парвартириш учун қулай табиий иқлим шароитига эга эканини таъкидлади.

Янги корхона мамлакатимиз энгил санаяти сифатли хомаш бўлиб таъминлаш, воҳа аҳолиси учун янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига сафари давомида Ангор туманидаги Занг гилам-бобо қишлоғида Шоди бобо Хўшбоқов хонадонига бўлди. Шавкат Мирзиёев Шоди бобо ва у кишининг умир йўлдоши Саломат момо билан оиланинг кундалик ҳаёти, фарзандлар касб-кори ва набаралар тарбияси тўғрисида суҳбатлашди.

Сизлар каби кўпни кўрган, юздан нур ёғилиб турган ота-онани ва онахонлар жамиятимизнинг мустақам замани, юртимизнинг файзу баракасидир, деди Президентимиз.

Ердан унумли фойдаланиш, Сурхондарё вилоятидаги фойдаланиш, ҳаракат қилган одам ўзини ҳам, халқини ҳам бой қилиши таъкидланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Хонадон эгалари давлатимиз раҳбари халқ ичига кириб, одамларнинг фикрини ўрнатишдан юртдошларимиз жуда мамнун бўлаётганини таъкидлади. Одамлар оғирини энгил қилиш, турмушини янада фаровон этиш борасидаги улкан, тизимли ишлари учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Шеробод туманидаги "Гуржак-1" массивида янгилашган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар, бу ерда аҳоли учун яратилган шароит билан танишди.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа билан танишар экан, Сурхон воҳаси маҳсулдор ипак курти парвартириш учун қулай табиий иқлим шароитига эга эканини таъкидлади.

Янги корхона мамлакатимиз энгил санаяти сифатли хомаш бўлиб таъминлаш, воҳа аҳолиси учун янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Мухими, 150 йигит-қизнинг бандлиги таъминланади, – дейди корхона раҳбари Хусниддин Нормухамедов. – Бир минг 450 градус ҳароратда шиша пиширадиган мазкур технологияни бошқариш бир мунча мураккаблиги боис ишга олинган ёшлар уч ой давомида тайёргарлик курсларида ўқиди. Эндликда қўшимча равишда бир кеча-кундузда 120 тонна шиша масса ишлаб чиқарилади. Мазкур идишлар мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоклаш, консерва ва ёғ-мой санаяти соҳаларида ишлатилади.

Нархи 11 миллион еврони ташкил этувчи мазкур технология "Капиталбанк"дан олинган сармоя эвазига харид қилинди. У бошқа турдош технологияларга нисбатан электр энергиясини 10 фоизга тежайди.

"Асл ойна" ички бозор эҳтиёжига ишлаш билан бир қаторда, ўтган йили 2,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 4 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Янги линия кўмағида хомашёни аралаштириш, куйдириш, қуйиш, саралаш, қадоклаш жараёнлари мукамал бажарилиши эвазига шаффоф, тиник рангли оқ шиша идишлар тайёрлаш имконияти янада ошади, – дейди корхона бош технологи Фарҳод Исмаилов. – Хусусан, игнасимон рекуператорли шиша пишириш қозони иш унумдорлиги юқорилиги ва камхаржлиги билан ажралиб туради.

Шиша маҳсулотлари кум, доломит, оҳак, кальций содаси

каби маҳаллий хомашёлардан фойдаланилган ҳолда тайёрланмоқда. Технологик жараёнларнинг автоматик бошқарилиши маҳсулотлар юқори сифатда тайёрлиниши кафолатлайди. Жорий йилда 120 миллион дон турли сизимдаги қадоклаш идишлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Илгари юртимиздаги корхоналар шундай шиша идишларни четдан харид қилар эди.

Корхонамизнинг шиша идишларга бўлган эҳтиёжининг муайян қисмини импорт ҳисобидан тўлдириётган эдик, – дейди "Тошкентвино" корхонасининг сифат бўйича директори Динара Қосимхўжаева. – Эндликда бунга эҳтиёж қолмади. "Асл ойна" корхонасида тайёрланаётган идишлар бежиримлиги ва сифатининг юқорилиги билан бизга маъқул келаптир.

Янги линиянинг ишга тушиши муносабати билан ўтказилган йилги Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чикди.

Шайба ШОЕВА, УЗА МУХБИРИ.



«АСЛ ОЙНА»ДА ЯНГИ ЛИНИЯ ИШГА ТУШДИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ «АСЛ ОЙНА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ИТАЛИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЯНГИ ЛИНИЯ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ҳозирга қадар корхонада Германияда ишлаб чиқарилган технология асосида 130 хилдаги дизайнда шиша маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган эди. Янги линия кўмағида турфа хил кўрinish ҳамда сизимдаги рангли ва рангсиз шиша идишлар тайёрлаш янада кўпаяди.

Мухими, 150 йигит-қизнинг бандлиги таъминланади, – дейди корхона раҳбари Хусниддин Нормухамедов. – Бир минг 450 градус ҳароратда шиша пиширадиган мазкур технологияни бошқариш бир мунча мураккаблиги боис ишга олинган ёшлар уч ой давомида тайёргарлик курсларида ўқиди. Эндликда қўшимча равишда бир кеча-кундузда 120 тонна шиша масса ишлаб чиқарилади. Мазкур идишлар мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоклаш, консерва ва ёғ-мой санаяти соҳаларида ишлатилади.

Нархи 11 миллион еврони ташкил этувчи мазкур технология "Капиталбанк"дан олинган сармоя эвазига харид қилинди. У бошқа турдош технологияларга нисбатан электр энергиясини 10 фоизга тежайди.

"Асл ойна" ички бозор эҳтиёжига ишлаш билан бир қаторда, ўтган йили 2,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 4 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Янги линия кўмағида хомашёни аралаштириш, куйдириш, қуйиш, саралаш, қадоклаш жараёнлари мукамал бажарилиши эвазига шаффоф, тиник рангли оқ шиша идишлар тайёрлаш имконияти янада ошади, – дейди корхона бош технологи Фарҳод Исмаилов. – Хусусан, игнасимон рекуператорли шиша пишириш қозони иш унумдорлиги юқорилиги ва камхаржлиги билан ажралиб туради.

Шиша маҳсулотлари кум, доломит, оҳак, кальций содаси

каби маҳаллий хомашёлардан фойдаланилган ҳолда тайёрланмоқда. Технологик жараёнларнинг автоматик бошқарилиши маҳсулотлар юқори сифатда тайёрлиниши кафолатлайди. Жорий йилда 120 миллион дон турли сизимдаги қадоклаш идишлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Илгари юртимиздаги корхоналар шундай шиша идишларни четдан харид қилар эди.

Корхонамизнинг шиша идишларга бўлган эҳтиёжининг муайян қисмини импорт ҳисобидан тўлдириётган эдик, – дейди "Тошкентвино" корхонасининг сифат бўйича директори Динара Қосимхўжаева. – Эндликда бунга эҳтиёж қолмади. "Асл ойна" корхонасида тайёрланаётган идишлар бежиримлиги ва сифатининг юқорилиги билан бизга маъқул келаптир.

Янги линиянинг ишга тушиши муносабати билан ўтказилган йилги Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чикди.

Шайба ШОЕВА, УЗА МУХБИРИ.

Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан www.betakrorbuxoro.uz веб-номланган янги сайт ишга туширилди.

САЙЁҲЛАР УЧУН ЯНГИ САЙТ

У кенг оммани ва юртимизга ташриф буюрган меҳмонларни Бухоронинг беназир осори атикалари, воҳанинг иқтисодий-иқтисодий ривожини, унинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилиш, вилоятда рўй бераётган ўзгариш ҳамда янгиликлардан хабардор этишни мақсад қилган.

Сайт бўлимлари билан танишиш асосида вилоят ҳудуди, унинг географияси, маданият ва олий таълим муассасалари, савдо мажмуалари, сайёҳлик имкониятлари, иқтисодиёт, солиқ, спорт соҳасидаги янгиликлар ҳақида маълумотларга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, ундан видеолавлар, ҳикоя ва ҳикमतлар, об-ҳаро ҳақидаги ахборот ва мунажжимлар башорати ўрин олган.

Таъкидлаш керакки, сайт вилоят давлат солиқ бошқармаси муассислигида чоп этилаётган "Betakrorbuxoro" журналининг электрон шакли ҳисобланади.

Ҳамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ДАВР ТАЛАБИДИР

Вилоятнинг барча туман ҳамда шаҳарларида Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратурининг қабули ўтказилмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Кува туманида бўлиб ўтди.

Тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ишбилармонлар қатнашган учрашувда вилоят прокуратури Музаффар Абдурахмонов Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сиmfат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳияти ҳамда шу йилнинг 7 январь кунини давлатимиз раҳбарининг прокуратура органлари ходимлари билан учрашувда соҳа вакиллари зиммасига юклатилган вазифалар ҳақида гапирди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг тўлақонли фаолият юритишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва зудлик билан бартараф этиш халқ фаровонлиги ҳамда иқтисодий тараққиётда муҳим аҳамият касб этади. Бунда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муносиб даражада ҳимоя қилиш, аҳоли билан яқин мулоқоти йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини кафолатлаш прокуратура органлари вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Очиқ мулоқотда тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ муаммолари масалалар ва тақлифлар бўйича савол-жавоб ўтказилди.

Кува туманидаги Халқ қабулхонасида ўтказилган учрашувда ҳам вилоят прокуратури Музаффар Абдурахмонов, туман ҳокими Зокиржон Раҳмоновлар фуқароларнинг мурожаатлари билан яқиндан танишилди. Мурожаатларнинг аксариятида бандлигини таъминлаш, уй-жой, саломатлигини тиклаш билан боғлиқ масалалар қайд этилди. Мурожаат ва шикоятлар юзасидан дахлдор соҳа вакиллари зиммасига тегишли вазифалар юклатилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, халқнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини билиш гоята муҳим, – дейди Халқ қабулхонаси раҳбари Дилшоджон Акрамов. – Ҳар бир ҳудудда Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши, унда барча шаароитлар ишга солиниши фуқароларга катта қулайликлар яратди. Бугунгидек очик ва самимий мулоқотлар эса халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ

ҲУДУДЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ БУТУН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари халқимизга, аввало, фарзандларимизга ҳеч қимдан кам бўлмаган имкониятлар яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Сурхон воҳасида 1009 арзон ва замонавий уй-жой барпо этилаётган. Шеробод туманидаги "Гуржак-1" массивида қисқа муддатда 32 хонадондан иборат 2 қаватли иккита, ҳўжалик иморатлари ва ҳовлиси бўлган бир қаватли ўн та шинам уй бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий ва миллий меъморлик андозалари асосида қурилган янги массивда ижтимоий инфратузилма объектлари, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилган. Уйлар табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари ёш оила – Ўқтам Абдуллаев ва Малоҳат Жумаева хонадониди бўлиб, уларни янги уйга кўчиб ўтгани билан табриклади. Янги уйда ёш оила бахтиёр ва фаровон яшаши учун яратилган қўлайликлар билан қизиқди. 3 хонали уйнинг ҳовлисида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экиш учун томорқа бор. Хонадон соҳибининг бувиси Каромат мома Абдуллаева кўркам, обод ва шинам уйлар олишда кенг имкониятлар яратилаётгани, бу ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини айтиб, давлатимиз раҳбарини дуо қилди.

Шавкат Мирзиёев 16 хонадондан иборат икки қаватли уйда яшаётган уй соҳиблари билан ҳам суҳбатлашди. Халқимизнинг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, улар учун муносиб ҳаёт шaroити яратиш бугунги кундаги асосий вазифалардан эканини алоҳида қайд этди. Мутасаддиларга вилоятнинг қишлоқ массивларида аҳолига шаҳардагидан қўлишмайдиган турмуш шароитлари яратиш, яқка тартибда уй-жой қуриш кўламини янада кенгайтириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Президентимиз Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий зиёратгоҳида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Буюк аждодимиз ҳадис тўплашдан ташқари ҳуқуқшунослик, табиатшунослик, табобат, илми нуҷум, тилшунослик, ахлоқ ва бошқа қўллаб соҳаларда ҳам асарлар яратган. Мусулмон оламида буюк муҳаддислардан бири сифатида машҳур бўлган улўғ алломанинг бебаҳо мероси бугунги кунда ҳам кенг ўрганилмоқда.

Шу кунларда бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мажмуа ёнидаги қабристон ободонлаштирилди, 4,5 километр йўлга асфальт ётқизилди, сув, электр энергияси ва газ тармоқлари тортилди.

Давлатимиз раҳбари мажмуани янада обод масканга айлантириш, қўлай шароитлар яратиш зиёратчилар оқимини кўпайтириш имконини беришини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шеробод туманида "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан барпо этилаётган цемент заводи қурилиши билан танишди.

Сурхондарё вилоятида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, sanoat корхоналарини техник ва технологик янгилаш, янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этиш юзасидан қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда бунёдкорлик кўламини кенгайтириш, иқтисодиётнинг мазкур тармоғига эҳтиёж тобора ортиб бораётгани қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этишни тақозо этмоқда. Шу маънода ушбу заводнинг ишга туширилиши айна мудао бўлади.

Тумандаги "Вандоб" қишлоқ фуқаролар йиғини худудида бунёд этиладиган цемент заводи қурилиш sanoatини замон талаблари даражасида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳа қиймати 212,8 миллион доллар бўлган ушбу sanoat корхонасида йилга 1,5 миллион тонна портландцемент ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Корхона ишга туширилгач, бу ерда мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу завод нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутшини таъкидлади. Лойиҳачи ва қурувчилар билан суҳбатда қурилиш суръатларини жаддалаштириш, сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ёш авлодни тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.



МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ, ТўҒРИДАН-ТўҒРИ ВА ЭРКИН МУЛОҚОТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ, ЖАМИЯТДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА УЛКАН ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛАЙТИР.

Инсон манфаатларини таъминлаш – асосий мақсад

Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида ҳам ана шу жиҳатларга эътибор қаратилгани кенг жамоатчилик, барча юртдошларимиз томонидан қизгин кутиб олинди.

Мазкур ҳужжат асосида белгиланган мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиёт стратегиясида барча соҳаларни либераллаштириш, модернизация қилиш, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш каби кенг кўламли ислохотларни ҳаётга изчил татбиқ этиш кўзда тутилган барчани қувонтирди.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ Давлат дастурлари тасдиқланиши уни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини таъминлайди. Шу жиҳатдан айтадиган бўлсак, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да бажариладиган Давлат дастурида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг туб моҳиятида халққа ҳар томонлама қўлайлик яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, фаровон ҳаётини кафолатлаш мақсадлари муҳимасам.

Ўз навбатида, мазкур стратегиянинг амалга оширилиши фаолияти аҳоли билан ишлаш, унинг манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган тузилмалар ишнинг сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқини талаб этади.

Давлат дастурининг "Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш" деб номланган биринчи йўналишини бажаришда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш кутилган натижага эришиш йўлида зарур вазифа бўлиши шубҳасиз.

Фармонда давлат ҳокимияти бошқаруви органлари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, маҳаллий Кен-

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ БЕШ УСТУВОР ЙўНАЛИШИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони халқимиз томонидан мамнуният билан қутиб олинди. Унда яқин беш йилликда мамлакатимиз забот этиши назарда тутилган улкан довлар, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Фаровон ҳаётимиз дастури

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси изчил тараққиётимизни, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришни ўзида ифода этган муҳим ҳаётбахш ҳужжатдир.

Узоқни кўлаб, пишқиқ-пухта ўйланган режа асосида ишлаб чиқилган ушбу дастурда иқтисодий янада ривожлантириш ва эркинлаштириш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланган. Унда макроиктисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари устуворлик касб этади. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ҳамда жадал ривожлантириш, кўп тармоқли фермер ҳўжалиklarини

масини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибadorликни ошириш борасида ҳам мавжуд имкониятлар тўла ишга солиниши назарда тутилган. Айтиш жоизки, бунинг учун бизда имониятлар кўп. Мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлаётганлар сафи ортиб бормоқдаки, бундан қалбимиз фахрга тўлади.

Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегиясида солиқ юкини камайитириш, солиқ маъмуричилигини яхшилаш, турларини янада мақбуллаштириш, банк тизимини такомиллаштириш ҳамда туризм индустриясини жадал ривожлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилиши белгилангани, буларнинг барчаси халқимизнинг фаровон турмуш кечириб, ҳаётдан рози яшашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Дилшод АБДУАЗИЗОВ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бошқарма бошлиғи

Тотувлик ва бағрикенглик муҳити – барқарор тараққиёт кафолати

Муқаддас диёримизда азалдан турли миллат ва элат, дин вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Бу борада сўз юритганда, аввало, меҳмондўстлик ва бағрикенглик халқимизга хос фазилатлар эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари ҳамжиҳатликда, бир оила фарзандларидек юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўляпти.

Мустақиллик йилларида миллатларо тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш давлатимиз сийсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланган. Айна пайтда юртимизда ҳўкм сурётган ҳамжиҳатлик муҳити тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятга эришди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони асосида белгиланган устувор йўналишларнинг бешинчиси "Хавфсизлик, миллатларо

корлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир "Йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технология ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Маълумки, ҳозирги вақтда дунёнинг айрим минтақаларида миллатларо ва динларо кескинлик кучайиб бормоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимизда тинчлик ва осийишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Баҳром ОБИДЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Сирдарё вилояти

Олим Ҳўжаев номи вилоят музыкали драма театрида вилоят ҳокимлиги, прокуратура ҳамда меҳнат бошқармаси ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган 272 та корхона, ташкилот ва муассасалар 1400 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди.

Ярмаркани ўтказишдан асосий мақсад аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатлами, жумладан, хотин-қизлар, касб-ҳўнар коллежлари битирувчилари, Қуролли Кучлардан захирага бўшатирилганлар, жазони ўташ муассасаларидан озод этилганларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат.

– Бугунги меҳнат ярмаркасига бешта бўш иш ўрни билан қатнашган, – дейди "Оқолтиндонмаҳсулотлари" АЖ амалиёт раҳбари Дилфуза Умрзоқова. – Бу иш ўринларининг тўрттаси ўрта махсус маълумотга эга ёшларга мўлжалланган.

Ярмаркада қатнашиб, ўзига муносиб иш топан ёшлар ҳам талайгина. Шулардан бири Мадина Аллаёровадир.

– Гулистон давлат университетини имтиёзли диплом билан тугатганман, – дейди у. – Оилавий шароитим тўғрисида 3-4 йил ишлаш олмадим. Бугун меҳнат ярмаркасида қатнашиб, ўзимга мос иш топдим. Гулистон туманидаги 23-умумтаълим мактабига ишга жойлашиш бўйича келишувга эришдим.

Ярмаркада иштирок этганлар ташкилот, корхона ва муассасалардаги бўш иш ўринлари, ходимларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида атрафка маълумотларга эга бўлишди. Ярмарка давомида қўллаб-қувватлаш бўйича давомиди қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

Хоразм вилояти

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ АҲОЛИНИ ТАШАББУСКОРЛИККА ЧОРЛАМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, кенг халқ оммаси билан мулоқот қилиш мақсадида воҳа меҳнаткашлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашуви хоразмликларни янгидан-янги бунёдкорлик ишларига чорламоқда.

– Давлатимиз раҳбари туманида бўлганида янги ташкил этиладиган ил-газлама ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳаси билан танишди, – дейди Янги-ярқ туманида яшовчи меҳнат фахрийси Комилжон ота Сафоев. – Йилга қарийб 20 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариб, 6 миллион АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилиши режалаштирилган корхона ишга тушгач, 150 нафар ёш иш билан таъминланади. Шунингдек, туманида "Тилла домор" хусусий корхонаси томонидан 2 минг бош қорамолни боқув ва йилга 4 минг 100 тонна сут, 200 тонна гўшт тайёрлаш режалаштирилган замонавий тиндаги чорвачилик комплекси, Каттабоғ қишлоғида "Ўзбекнефтгаз" компанияси томонидан 3,5 минг тонна полиэтилен ва полипропилен грануларини қайта ишлаш асосида турли сизимли сув идишлари, яшиқ ва қутилар ишлаб чиқарадиган заводнинг ташкил этилиши туман аҳлини иш билан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишнинг яна бир омили бўлади.

– Шавкат Мирзиёев хоразмликлар билан сайловолди учрашувида 2017 йилда Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллуднинг 100 йиллигини ҳақиқий санъат ва нафосат байрами сифатида бутун мамлакат миқёсида кенг нишонлаш, машҳур ҳофиз номи билан аталадиган замонавий ижод маркази ва гўзал боғ ташкил этишни тақдир қилган эди, – дейди таниқли ўлкашунос, "Олтин мерос" халқро жамгармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси Комилжон Нуржонов. – Президентимиз Урганч туманининг вилоятимиз марказига туташ жойида мазкур ижод маркази қурилиши учун ажратилган 10 гектарлик майдонни бориб кўрди ва мажмуада Комилжон Отаниёзов ҳайкалини барпо этиш, қурилиш лойиҳасини такомиллаштириш, марказни ёшлар адабиёт ва санъат сирларини пухта ўрганиш мас-

канига айлантириш ҳақида кўрсатма берди.

Бу аввало, асрлар давомида ўзининг сеҳрли "Лазги"си, "Сувора" ва мақом йўлларидаги муштор ашулалари, шўх рақслари билан дунё аҳлини мафтун қилиб келаётган Хоразм мусиқа маданияти ва унинг ижодкорларига бўлган ҳўрмат ва эҳтиром рамзидир. Ўзининг бекиёс истеъдоди билан нафақат Хоразм, бутун ўзбек қўшиқчиликлари санъати шухратини дунёга танитган, маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирган машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовга бўлган халқимизнинг ҳўрмати, Президентимизнинг санъатимизни янада ривожлантириш борасидаги гамхўрлиги ифодасидир.

– Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи қадимий ва навиқирон шаҳар – Хиванин "Ичан қалъа" мажмуасида бошлангани муқаддас қадимжоларга, бой маданий меросимизга бўлган эҳтиром белгисидир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Туризмин ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилояти худудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Жавлонбек Шомуродов. – Халқимизнинг тарихи, маданияти, илм-фани, қадимий меъморлик ва ҳўнармандчилик аъналарини ўзида мужассам этган бу очик осмон остидаги музей-шаҳарга 2016 йилда 75 мингта яқин киши, жумладан, 84 мамлакатдан 34 минг сайёх-

нинг ташриф буюргани гўзал Хивамизга жаҳон сайёҳларини қизиқини йилдан-йилга ошиб бораётганининг ёрқин намунасидир.

Давлатимиз раҳбари Матниёз Девонбегӣ мадрасасида, Хива шаҳрининг тарихий қисмида амалга яратилаётган бунёдкорлик ишлари режаси, Исфандиёрхон қабул маросимлари уйи ва Нуруллабой сарой мажмуасини реконструкция қилиш лойиҳалари билан танишиб, Хоразмнинг туризм борасидаги имкониятларини тўлиқ ишга солиш, янги йўналишлар ташкил этиш ва уларни кенг тарғиб қилиш, меҳмонхоналар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Буларнинг барчаси биз учун дастуриламалдир. Шу асосда жамоамиз аъзолари ўзларининг иш режаларини белгилаб олмақда.

Ҳа, давлатимиз раҳбарининг Хоразм воҳасига ташрифи ва кишилар билан мулоқоти чоғида билдирган фикрларини халқимиз дилидаги мақсад ва интилишларини рўёб бўлди. Улар қалбида яратувчанликка, меҳнатга бўлган иштиёқни янада кучайтирди. Айна кунларда барча хоразмликлар юртимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўлиши, турмуш фаровонлигини янада оширишга бел боғлаганлар.

Холмурод ҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

МОСКВА ШАХРИДА "ПРОДЭКСПО - 2017" ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗ КОМПАНИИ ВА КОРХОНАЛАРИ ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ҚАТНАШДИ

Халқаро кўргазмада МДХ давлатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия, Хитой, Жанубий Корея ва Эрон каби 50 дан ортиқ мамлакатдан 2 мингдан зиёд иштирокчи ўз маҳсулотлари билан қатнашди, 29 мамлакатнинг миллий экспозицияси ташкил қилинди. Дунёнинг 40 га яқин мамлакатидан меҳмонлар таширф бўурди.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа қўллаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнга етакчи давлат қаторида туради. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар самарасида 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорларига экспорт қилинаётди. Сўнгги уч йилда ташқи бозорга йўналтирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч баробардан ошди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишини қўллаб-қув-

ватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт-бон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида амалга оширилган ишлар самарасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бормоқда. "Made in Uzbekistan" ёрлиги таъминланган маҳсулотлар жаҳон бозорларида кенг ўрин эгаллашди, тадбиркорларнинг чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиши, янги ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши ва шартномалар тузиши амалий ишлар натижасидир.

"Продэкспо - 2017" кўргазмаси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди. Мазкур форумда озиқ-овқат маҳсулотлари, уларни етиштириш ва қайта ишлашга оид энг сўнгги ютуқлар намойиш этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси-

дан маълум қилишларича, мазкур халқаро кўргазмада тадбиркорларимиз томонидан 64 миллион АҚШ доллари миқдоридан экспорт шартномалари имзоланди. Кўргазма иштирокчилари Ўзбекистон миллий тендида мамлакатимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасидаги салоҳияти ва имкониятлари, соҳада тақриф этилаётган хизматлар билан танишди.

— 24-халқаро озиқ-овқат кўргазмасида "Узгарэкспорт" АЖ ва "Inter Sok", "Mavis", "Tillaxon", "HydroLife Agro Eco" каби ўнга яқин компанияларимиз ўз маҳсулотларини намойиш қилди, — деди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маркетинг бўлими ходими Мохинур Бурхонава. — Мазкур кўргазмада жамғарма томонидан тадбиркорларимиз маҳсулотлари намойиши учун Ўзбекистон миллий экспозицияси ташкил этилди.

"Продэкспо - 2017" кўргазмаси доирасида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар экспорт ҳажминини ошириш ва юрғуфясини кенгайтириш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Севара АЛИЖОНОВА, ЎЗА мухбири.

Навоий вилояти

Вилоятда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш мақсадида қатор ишлар олиб борилаётган. Хусусан, ҳудуддаги 40 минг 600 гектар майдонда парваришланаётган галла минерал ўғитлар билан озиклантирилиб, эртанги мўл ҳосилга замин яратилмоқда.

Мўл ҳосил учун муҳим тадбир

— Халқимизда техника деҳқоннинг қаноти, деб бежизга айтилмаган, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Музроб Санақулов. — Шу боис, деҳқону фермерлар қишлоқ хўжалиги техникаларини кўриқдан ўтказиб, носозларини бутламоқда. Шунингдек, жорий баҳорги мавсумда чигит экиш режалаштирилган майдонларда пушта олиш ишларини қисқа муддатда якунлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Айни пайтда вилоятда пиллачиликка озуқа захирасини яратиш ишларига ҳам жадаллик билан киришилмоқда. Ана шу мақсадда 750 минг туп тут кўчатини экиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, пилла топириш бўйича шартномаларни якунига етказиш юмушлари тизимли ташкил этилаётди.

Бундан ташқари, қоракўлчилик ва чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда қишлоқни беталафот якунлаш борасида ҳам тадбирлар амалга оширилмоқда.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



Қашқадарё вилояти

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ!

ҚАРШИ ШАХРИДАГИ МУЛЛАТЎЙЧИ ТОШМУҲАММЕДОВ НОМЛИ ВИЛОЯТ МУСИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИДА "МАҲАЛЛА - МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСКИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ушбу тадбир жойлардаги маҳаллаларнинг азалий қадрияти, аънава ва маросимларини асраб-авайлаш орқали ёшларда Ватанга муҳаббат туйғусини тўлақонли қарор топтириш, уларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда муносиб касб-хунар эгаси сифатида камолга етказишда ўзига хос омили бўлмоқда. Жорий йилда кўрик-танловнинг шахар, туман боскичларида иштирок этган 74 та жамоадан сараланган 14 та жамоа мазкур тадбирнинг вилоят миқёсидаги якуний боскичда қатнашди.

Биринчи шартда иштирокчилар "Маҳалла - менинг тақдиримда" мавзусида ишчи ёзиш бўйича беллашган бўлса, иккинчи шартда ёшларнинг ҳар томонлама вояга етишида маҳалланинг ўрни ва роли, "Оила - маҳалла - таълим муассасаси" ҳамкорлигининг ўзига хос аҳамияти, уларни яшаётган маҳалланинг турмуш тарзи, қадрият ва аънаваларини тарғиб қилиш борасида олиб бо-

риллаётган ишлар слайдлар орқали тақдим этилди. Сўнгги шарт маҳалла фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳамда маънавиятга оид билимлар асосида бўлиб ўтди. Шунингдек, ҳар бир жамоа маҳалла фуқаролар йиғинларидаги бунёдкорлик ишлари ҳақида лавҳа ва фотоальбомлар билан ҳам иштирок этди.

Тадбир якунига кўра, Шахрисабз туманидаги "Боғи баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Боғи баҳор" жамоаси биринчи, Қарши туманидаги "Ертепа" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Ниҳол" жамоаси иккинчи, Қарши шаҳридаги "Чўлувар" маҳалла фуқаролар йиғинининг "Амир Темур авлодларимиз" жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Кўрик-танловнинг фаол иштирокчилари турли номинациялар бўйича ҳам тақдирланди. Голибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

ҚУЛУПНАЙНИ ЭРТА ЕЙМАН ДЕСАНГИЗ...

Кейинги пайтда қулупнайзорларга кичик ҳажми симли қаркас устини плёнка билан ёпиб, ҳосил олиш оммалашмоқда. Ушбу усул республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Наманган ва бошқа бир қатор вилоятларида кенг тарқалган.

Ҳосилни эрта етиштириш учун февраль ойи бошида қулупнайзорда узунлиги 10-20 метрдан 40-60 метргача, қатор ораси 70 см., кенлиги 2 қатор ораси 140 см., 3 қатор бўлса 210 см. ва баланглиги 40-50-60 см. юқори қилиб симли қаркас тайёрланиб, унинг усти полиэтилен плёнка билан ёпилади.

Плёнка остида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан ўсимлик ривожлана бошлайдди. Ҳаво ҳарорати +10 +15°C га чиққанда қулупнай барглари буй кўтарилди. Қулупнай барглари тўлиқ ривожланган, кундуз кунлари ҳавонинг иллик пайтлари тунелнинг икки томони очиб, кеча яқин ёпиб қўйилади.

Февраль ойи охири - март ойи бошида қулупнай тулларида гуллари шаклланиб, секин-аста гуллай бошлайдди. Бу вақтда ҳавонинг ҳарорати юқори бўлиши боис, плёнкаларнинг бир томони қаркас устига кўтариб

қўйилади, кеча томон эса ёпиб қўйилади. Мақсад - баҳорги қисқа муддатли аёзли совуқ гуллаларга шикаст етказмаслик. Март ойининг учинчи ўн кунлигидан плёнкалар эрталаб очиб қўйилиб, кеча томон ёпиб турилади.

Ҳавонинг ҳарорати бир метр ёрда иссиқ бўлса, плёнкалар олиб ташланади.

Плёнкалар олинмаган вақтда плёнка ичида ҳаво юришмаслиги сабабли қулупнай гуллари тўла чангланмайди, меваси сифатсиз бўлади. Қулупнай мевасининг етилишини тезлаштириш учун қўқламда плёнка ёпиш муддати катта аҳамиятга эга. Юқори агротехника (суғориш, бетона ўтларга қарши курашиш, гулланинг чанглангани нормал ўтишига имкон яратиш) қондаларига амал қилинганда ҳосил кўпаяди, гуллаш ва меванинг етилиши тезлашади.

Плёнка остида ҳарорат кўтарилиши билан тупроқда намлик

камаяди, ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжи ошади. Бу вақтда, албатта, қулупнайзор суғорилади.

Қулупнай тулларида вегетация бошлангач, минерал ўғитлардан соф ҳолда 60-80 кг. азот, 30-45 кг. фосфор солинади.

Плёнка остида қулупнай ҳосили одатдаги, яъни очқолдаги қулупнайга нисбатан 10-15 кун олдин пилиади ҳамда 15-20 фонт ҳосилдорлиги кўп бўлади. Иккисолий самарадорлиги 10-15 фонтга ошади.

Плёнка остида "Память Шредера", "Ўзбекистанская", "Ўзбекистон гўзали", "Баунти-фул", "Редгоултлет" навларини етиштириш мумкин.

Мева терими об-ҳаво шароитига қараб бошланади. Демак, бунинг учун ҳозирданок пухта таралуд қўриш, ишчи омилдорлик ва илмий ёндашувлар асосида ташкил этиш керак.

Хуришда АБДУЛЛАЕВА, М. Мирзаев номли бодорчилик, узумчилик ва вайоччилик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими.

БАҲОР ДАРАКЛАРИ

ҚАНТАР ОҒДИ

Қадимдан ота-боболаримиз деҳқончилик ва чорвачилик юмушларини фаслларга мослаб режалаштирган. Кўп йиллик кузатишлар, олимларнинг илмий изланишлари натижасида ўзига хос деҳқон тақвимлари яратилган. Жумладан, орзиқиб кутилган баҳор февраль ойининг дастлабки ўн кунлигидан сўнг намоён бўлади, деб белгилашган.

Боиси, шу пайтда қиш чилласи чиқиб, қантар оғди. Бу пайтда қозик устида қор турмайди, дейишади. Бу иборанинг келиб чиқишига сабаб шуки, қантар оғиши билан шамол доимий йўналишини баъзан ўзгартириб турар экан. Жануб томондан эсан шамол (халқ бу шамолни "кайфан шамоли" ҳам деб атайди) ер остига илқиклини олиб кирар экан.

Деҳқончилик тақвими бўйича қавс (20 ноябрдан 20 декабргача давом этади) кириши билан тўқсон бошланади. Қишнинг энг совуқ кунлари эса жадий шу ойга тўғри келади. Жадий киргач, бир неча кун ўтиб қиш чилласи бошланади. Кексаларнинг эътироф этишича, қиш чилласи 40 кун давом этиб, февраль ойининг биринчи ўн кунлигида ниҳоясига етади. Чилланинг ўзига хос томонлари кўп. Бу даврда ёғингарчиликлар

миқдори ўртача 40 мм.ни ташкил этар экан. Чиллада баъзан 40 даража ва ундан ортиқ ҳам совуқлар бўлади. Шунингдек, анча илқ кечадаган кунлар ҳам кузатилади.

Деҳқонлар "кичик чилла" ҳам деб аташадиган давл (19 январдан 19 февралгача) кириши билан кун узайиши яна тезлашади. Жадийда кун узайиши 1-2 дақиқани ташкил этган бўлса, энди 4-5 дақиқача етади.

Халқда шундай ривоят бор: катта чилла кичик чиллага навбатини топшираётиб, "менин вазифамни баҳар" дермиш. Бундан руҳланган кичик чилла совуқларни забтига оларкан.

Давлнинг учинчи ўн кунлигида қантар оғди. Ойнинг учинчи ўн кунлигида дала-лар, қирлар сабза ранга кирди. Дарахлар танасига сув югуради. Қори эриган ерларда бойчечак юз кўрсатади. Бу илқ кунларнинг, баҳорнинг бошланишидан дарак.

Давл туғиши билан баҳорнинг илк ойи - хўт - деҳқонларнинг ҳақиқий иш фасли бошланади. Демак, баҳор яқин, Наврўз яқин...

Анвар БОТИРОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

БАРЧА ТАШКИЛОТ, КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

2016-2017 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура бўйича ўқишни тамомлаётган битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларнинг келажакда ўз иш ўринларини топишига кўмаклашиш мақсадида ишга тақсимлаш жараёни бошланганини эълон қилади ҳамда қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

Институтда таълим олган бакалавр ва магистрлар мамлакатимиз қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида қўлланиб келинаётган замонавий техника ва технологиялар билан кенг таниш бўлиб, иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қилишда мукамал назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар ҳисобланади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси 39-уй.
Веб сайт: www.tiim.uz
Телефонлар: (0-371) 237-05-86, 237-00-79 (факс).

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ 2016-2017 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРА ТАЛАБАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Бакалавр йўналишларининг номи	Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони														
		Битирувчилар сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент шаҳри
БАКАЛАВРИАТ																
1	Касб таълими: Сув хўжалиги ва мелиорация	15	1	1			2			4				3	4	
2	Касб таълими: Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	11				1				4	1	2		1	2	
3	Касб таълими: Ер тузиш ва Ер кадастри	8				1				2	3			1	1	
4	Иқтисодиёт (сув хўжалигида)	24	3	1	1	1			1	2		2		3	10	
5	Менежмент (сув хўжалигида)	46		1	7	3	2	2	1	4	1			1	8	16
6	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	28	3		1	2	2		1	1	3	2		3	10	
7	Сув хўжалиги ва мелиорация	317	19	2	5	28	9	11	18	21	13	53	11	18	36	73
8	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси	40		1	2	1			1	2	1	12	4		1	15
9	Сув омборлари гидрологияси	31	1	1					4	3	5	4			4	9
10	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш автоматлаштириш ва бошқариш.	64	1	1		2	1		1	2	1	11	1	2	15	26
11	Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш	182	5	2	7	21	11	1	10	17	2	35	5	10	26	30
12	Электр энергетикаси (сув хўжалигида)	48	1	5	2	4	2	2	4	2	11	1	4	4	6	6
13	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	25		1					1	1	1	7		3	3	8
14	Геодезия, картография ва кадастр (сув хўжалигида)	55	1	1		1	2		2	9	3	11	2		5	18
15	Ер тузиш ва ер кадастри	101	6	3		3	4	3	6	4	2	23	2	7	5	33
16	Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	81	4		1	4	1	2	6	10	1	19	4	6	3	20
17	Гидротехника қурилиши	65	2	1		3			1	3	2	18		5	5	25
18	Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш	41	1					1	3	7		5		2	4	18
	Жами:	1182	46	16	28	73	39	22	59	94	38	221	34	58	130	324
МАГИСТРАТУРА																
1	Гидромелиорация	6				1						1	1	1	1	2
2	Сув кадастри ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш	4							1	1	1	1	1			
3	Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш	8										2	1		5	
4	Мелиорация ва суғорма деҳқончилиги	6		2	1		1					1			1	
5	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш (сув хўжалигида)	4										3		1		
6	Гидротехника иншоотлари (сув хўжалигида)	5				1									4	
7	Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг ишончилиги ва хавфсизлиги	5		1				1							1	2
8	Насос станцияларидан ва қурилмаларидан фойдаланиш ва таъхиси	6	1					1				1			1	2
9	Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш	7	1						1	1	1	1			3	
10	Геодезия ва картография (сув хўжалигида)	6									1	1	2		1	1
11	Геодезия ва картография (геоинформатика)	3	1													

Навоий вилояти

АСРЛАРНИ ЁРИТГАН ЭЗГУЛИК НУРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ БУЮК МУТАФАККИР ВА ДАВЛАТ АРБОБИ АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 576 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий сиймоси нафақат буюк мутафаккир, балки халқларвар давлат ва жамоат арбоби, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, маънавият ва маданият ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган даҳо сифатида асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда.



Алишер Навоий томонидан яратилган энг бебаҳо асарлар, нодир девонлар, шоҳ байтлар беш асрдан буён инсоният йули ва қалбини маърифат нуллари билан мунаввар этди, барчани эзгуликка қорлаб турибди.

Истиқлол шарофати билан Навоий асарларини янада чуқурроқ ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини идрок этиш ва ҳаётга татбиқ этишга кенг имконият эшиклари очилди. Улуғ мутафаккир номи билан аталувчи Навоий вилоятида ҳам 9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топан кун кўтарини руҳда ўтказилди. Дастлаб кенг жамоатчилик вакиллари, навоийшунос олимлар, корхона, ташкилот, муассаса жамоалари ҳамда ёшлар томонидан вилоят марказидаги Алишер Навоий номи истироҳат боғида қад ростлаган улуғ аллома ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилиб, шоир даҳосига муносиб эҳтиром кўрсатилди.

Унда буюк шоирнинг ўзбек тили ва адабиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритилди. Алломанинг умумбаشارият мулкига айланган бой маънавий мероси бугун ҳам ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, Навоий асарларида юксак маънавият, бурч ва адолат, эзгулик ва гўзаллик каби абдий мавзулар тараннум этилади.

Буюк мутафаккир шоир, давлат арбоби ва ўзбек тили асосчиси Алишер Навоий асарларининг ҳар бир байти ҳикмат, ҳар бир ташбеҳи мўъжизага бой, уларни англаш эса энг катта саодатдир, – дейди Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси Зариф Қувонув. – Вилоятимиз ва шаҳримизнинг севимли шоиримиз номи билан аталishi биз навоийликларга ҳамisha фахру ифтихор бағишлайди. Гўзал ва ҳамisha навакирон Навоий шахсида қад рост-

лаган "Фарҳод" ва "Ширин" маданият саройлари халқимизнинг улуғ бобокалонимизга чекисиз ҳурматининг рамзидир. Шу боис, биз навоийликлар буюк мутафаккир қолдирган бой маънавий меросни икки қарра кўп билиш ва теран идрок этишни ўзимизнинг муқаддас вазифамиз, деб биламиз.

"Фарҳод" маданият саройида ташкил этилган байрам тадбирига таклиф этилган вилоят фаоллари, олимлар, маънавият фидойилари, шоирлар, ёзувчилар ва ёшларга Навоий гўзаллари асосида янграган куй-қўшиқлар, намойиш этилган саҳна кўринишлари бир олам қувонч бағишлади.

Тадбирда ушбу ҳожими Қ.Турсунов иштирок этди.

Отабек АСЛОНОВ, Навоий вилоятида қад рост-

МУТОЛАА

Дунё тамаддунида улкан из қолдирган буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий салоҳияти, бунёдкорлик ишлари, ташқи сиёсат ва дипломатияси жаҳон тарихчиларининг ҳақли эътирофига сазовор бўлган.

БУЮК АЖДОДИМИЗ ҲАҚИДА ЯНГИ РИСОЛА

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг алоҳида эътибори билан Амир Темурнинг миллий давлатчиликда туганган ўрни, дунё тарихидаги қўшган ҳиссаси, тарихдаги буюк хизматлари ҳақоний ўрганилди. Буюк Темур ҳақида кўп қўлаб рисолалар, тарихий асарлар, монографиялар чоп этилди. Халқимиз ўзининг улуғ аждодини таниди, унинг амалга оширган улкан ишларини хабардор бўлди.

Амир Темур тузган салтанат, унинг олиб борган адолатли сиёсати, барча жабҳалардаги ибратли ишлари бугунги авлод учун ҳам ибрат мактабидир. Шу боис, бу ҳақида илмий изланишлар давом этиши шубҳасиз.

Китобхонлар учун янги асар бўлиб, нашрдан чиққан "Амир Темур давлат бошқаруви" монографияси ҳам шундай китоблардан биридир.

Тарих фанлари доктори Шоҳистахон Ўлжаеванинг мазкур монографиясида улуғ аждодимизнинг халқаро муносабатлар ва давлат



бошқарувидаги ўзига хос турмулари атрофида таҳлил этилган. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу китоб "Академнаш" нашриётида чоп этилган.

Асарда Амир Темур дипломатияси ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, дипломатик ёзишмаларнинг аҳамияти илк бор таҳлилга тортилгани ўқувчиларни ўзига тортиши табиий.

Сирасини айтганда, рисолада Амир Темурнинг давлат сиёсатида юрғизган ўзига хос анъаналари, давлатчиликнинг ўзига хос асослари тадқиқ қилинади, буларнинг барчаси ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ

ЎГИТ

ТАНБАЛЛИК – ХОРАЛИК КЕЛТИРАР

Муқаддас динимиз кишиларни эзгулик, тўғрилик, ҳалоллик билан бирга, меҳнатга, меҳнатсеварликка қорлайди. Чунки улкан фойда келтирадиган ҳалол ишлар билан шуғулланиш орқали фаровон турмушга эришилади. Бироқ ишқамслик, танбаллик, бекорчилик, тиланчилик каби зарарли одатлар кескин танқидга лойиқ.

Агар динимиздаги амр ва қайтариқлар борасида те-ранроқ тафаккур юритадиган бўлсак, у инсониятнинг бу дунёсини обод ва мазмули, охиратини эса саодатли қиладиган ишларга буюрганига гўвоҳ бўламиз.

Дангасалик, ишқамслик, аввало, инсоннинг ўзига, ундан кейин бошқаларга ҳам зарар етказиши. Дангасадан одам ҳаётда кўп нарсани эришолмайди.

Ваҳоланки, бу ҳаёт доимий ҳаракатда, ўзгариш ва янгиланишда бўлиб, бир босқичда тўхтаб, қотиб турмайдиган жараён. Маълумки, ҳар бир оиланинг ўзига яраша кам-кўстлари, эҳтиёжлари бўлади, фарзандлар ўсиб-ўлғайиб оёққа турганига қадар уларнинг таъминоти билан шуғулланиш керак.

Лекин оила бошлиғи танбал ва ишқамс бўлса, ортиб борувчи эҳтиёжлар охири-охири уни боши берк-кўчага олиб қиради. Ниҳоят, танбал одам тиланчилик

да Аллоҳга йўлиқади", деб огоҳлантирилади. (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Ушбу ҳадис мазмунига кўра, тиланчи ўзига касб қилиб олган, ишламасдан, фақат тиланчи билан умр кечирувчи киши Аллоҳга йўлиққанида юзида гўшти бўлмаган экан. Бу ҳар ҳолда муқофот эмас, балки жазонинг бир тури экани аниқ. Чунки юз гўшти билан чиройли.

Агар юзда гўшт бўлмаса, юз териси суякларга ёпишиб, суякларни бўртиб чиқиб, кўз ичкарига кириб кетиб, кишининг қиёфаси қандайдир совуқ ва ёқимсиз тусга қиради. Шу боис, юзанинг сувини кетказиб, уни қора қилиб, доим бировлардан пул сўраш билан яшаган одамнинг ўз нафосига нибатан содир этган жинояти қиёматда ўзига шу йўсинда кўрсатиб берилса, ажаб эмас. Бундай ҳолга тушишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Раҳматуллоҳ САЙДУЛДИНОВ, Юнусобод тумани бош имом-хатиби, Тошкент Ислам институти ўқитувчиси, "Мирза Юсуф" жоме масжиди имом-хатиби.

Эълонлар

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ! «ELIT RIELTOR SAVDO»

РИЗЛТОРЛИК АГЕНТЛИГИ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Наманган вилояти Уйчи тумани давлат ветеринария бўлими касабга уюшмаси кўмитасининг 2016 йил 9 сентябрдаги 6-сонли баённомаси ҳамда Уйчи тумани давлат ветеринария бўлимининг хатига асосан туман давлат ветеринария бўлимига тегишли маъмурий бино-иншоотлари таркибидagi эски ёрдамчи бино қўйилмоқда.

Талабгорларга маъмурий бино таркибидagi эски ёрдамчи бинони бузиб, ўрнига замонавий архитектура ечимлари, шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига асосан мукамал равишда "Ветеринария дорихонаси" қуриш ва ушбу бинонинг фаолият турини ўзгартирмаслик шарт қўйилади.

Объект жойлашган манзил: Уйчи тумани "Уйчи" ШФЙ "Бог" МФЙ ҳудудида. Кўчмас мулк объектнинг бошлангич баҳоси: 1 059 642 (бир миллион эллик тўққиз минг олти юз қирқ икки) сўм.

Закалат пули миқдори: 159 000 (бир юз эллик тўққиз минг) сўм. Аукцион савдолари 2017 йил 14 март куни соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси шартлари:

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон матбуотда чиққан кундан бошлаб (дам олиш кунларидан ташқари) ҳар кун соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади. Манзил: Наманган шаҳри Навоий кўчаси 10-уйда жойлашган "Elit Rieltor Savdo" МЧЖнинг идора биноси.

Аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин, 2017 йил 13 март куни соат 18:00 да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлардан белгиланган тартибда ариза ва мулкнинг бошлангич баҳосига нисбатан 15 (ун беш) фойдан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Elit Rieltor Savdo" МЧЖнинг ҳисобрақамига ("Ўзсаноатқурилишбанк" Наманган филиали, МФО 00224, СТИР 302118546, ҳ/р 20208000204940071001) тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, СТИР (ИНН), юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этишлари сўралади.

Кўшимча маълумот олиш учун қуйидаги телефонга мурожаат қилиш мумкин: (0-369) 227-14-62, факс: 227-14-62. Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-0086.

Table with 3 columns: Company Name, Address, Phone Number. Includes 'INSTANT PURELY', 'HAYOT KOMPLEX', 'XALQ SUYURTA' etc.

Эълон

«АСАКА» БАНК БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК САРИ

Хурматли юртдошлар! Тадбиркорлик фаолияти орқали республикамизни янада ривожланиши ва тараққий этишига ўз ҳиссамни қўшамаи деб ниҳоят қизилган «атаандошларимизга «Асака» банк ўзининг тезкор хизматлари ва имтиёзли кредитларини таклиф этади. «Асака» банк томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган юртдошларимизга қуйидаги йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича имтиёзли шартларда кредитлар таклиф этилмоқда:

- чорвачилик; - паррандачилик; - асалари-чилик; - қўнчилик; - қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, боддорчилик ва узумчилик; - иссиқхоналар қуриш; - балиқчилик; - қичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш; - касаначиликни ривожлантириш; - хунармандчилик; - сартарошхона хизматини ташкил этиш; - тикувчилик ва чеварликни қўллаб-қувватлаш; - пойабзал тузатиш устaxonасини ташкил этиш; - умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш;

«Асака» банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиб ўз бизнесингизни ташкил этинг. Сизнинг куч ва имкониятигизни, қобилият ва салоҳиятигизни рўёбга чиқариш учун «Асака» банк томонидан барча имкониятлар ва шароитлар яратилган.

Мурожаат учун телефонлар: «Асака» банк Бош офиси (0-371) 120-26-40

Table with 4 columns: Филиаллар, Код Телефон, Филиаллар, Код Телефон. Lists branches like 'Қорақалпоғистон филиали', 'Андижон вилояти филиали', etc.

«АСАКА» БАНК - ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАХКАМ ТАЯНЧИ!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

QISHLOQ HAYOTI logo and address information.

Баш муҳаррир Чори ЛАТИПОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Яшин ХИДИРОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Абдиқабол ТАМИҚАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Баш муҳаррир ўринбосари), Анавар ҚУЛМУРОДОВ (Баш муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси - (+99890) 592-62-04. Виллоятлар: Андижон (+99893) 630-73-03; Бухоро (+99891) 401-29-59; Жиззах (+99893) 940-00-27; Навоий (+99891) 332-50-99; Фарғона (+99893) 948-53-86; Самарқанд (+99890) 407-76-03; Сурхондарё (+99893) 994-57-08; Сирдарё (+99894) 168-23-80; Тошкент (+99890) 644-44-11; Хоразм (+99890) 976-39-58; Қашқадарё (+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-213, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятининг ўзидан компьютерда тартибда ва дизайнёр Марис ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди. 26171 нусxada чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ - 144. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 01.40.

Сурхондарё вилояти

Термиз давлат университетини магистранти Холиёр Ойназаров Қўзғатган тоғ ёнбағирларида жойлашган Зарабоғ кишлоғи яқинидаги Кайрит сойидан 114 та харсанг тошга ўйилган антика суратларини топишга муваффақ бўлди. Дастлабки илмий ҳулоасага кўра, улар миллодан аввалги 2-мингйилликда яратилган.

ҚАДИМИЙ ТОШСУРАТЛАР ТОПИЛДИ

Тоғилмаларда асосан осмон жисмлари, хусусан, қуёш, ой, ҳайвон ва ўсимликлар, мифологик образларнинг тасвири учрайди. – дейди тадқиқотчи олим Х.Ойназаров. – Бунинг бронза даврига мансублиги эса юртимиз инсоният тамаддунининг қадим бешиқларидан бири эканлигини тасдиқлайди.

Тарихчи олим, профессор Шаўдуллаевнинг таъкидлашича, янги топилмалар мамлакатимиз таъририй санъати тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Тошларнинг бирида нур таратаётган қуёш ҳамда атрофида аёл сиймоси гавдалантирилган бўлса, айрим харсанглар эса ҳайвонлар тасвири маҳорат билан акс эттирилган.

Дилфуза ЖҲРАЕВА, «Qishloq hayoti» муҳбири.

Эълонлар

Table with 2 columns: Company Name, Phone Number. Includes 'MIRAZOR BUSINESS SERVICE', 'PROVEN BUSINESS' etc.